



Тошкент Оқшоми

2010 йил 24 МАЙ, ДУШАНБА

XXI сандоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (11.660)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, шу йўналишдаги фармон ва қарорларнинг ижроси йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб, кейинги пайтларда иқтидорли ёшларимиз нуфузли халқаро танловларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олмоқда.



2010 йил — Баркамол авлод йили

ХАЛҚАРО ТАНЛОВДАН МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

Франциянинг Бугналет шаҳрида ўтказилган Николай Рубинштейн номидаги халқаро танловда Успенский номидаги республика мусикали академик лицейи ўқувчилари Шукур Ажиметов ва Мирзаали Акбаров катта муваффақиятга эришди. Улар пианинода И.Бах, К.Дюбюси, Ф.Шопен, А.Скрябин, П.Чайковский каби композиторларнинг асарларини юксак маҳорат билан ижро этиб, мутахассислар ва мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Шукур Ажиметов ўтган йилги халқаро танловда ҳам қатнашиб, ўзига хос тажриба орттиргани боис биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Мирзаали эса биринчи бор

шундай нуфузли кўриқда иштирок этаётганига қарамай, тўртинчи ўрин соҳиби бўлди.

— Бизнинг ютуғимиз бор кунт-маҳоратини сарфлаб, мусиқа сирларидан сабоқ бераётган мураббийларимиз — Гузал Ардаширова, Эсфирь Гильбухларнинг ютуғи ҳамдир, — дейишди совриндорларимиз. — Келгусида ҳам маҳоратимизни муттасил ошириб борган ҳолда кўплаб танловда иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: Франциядаги халқаро танловда зафар кўчган Ш.Ажиметов ва М.Аkbаров. Алексей Попов олган сурат

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервисни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор иқтисодий барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган. Бунда мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий базанинг йилдан-йилга такомиллаштирилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш" деб номланган 38-боби хизмат кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Ушбу бобда назарда тутилган меъёрларнинг амалдаги ижроси бўйича тегишли идоралар томонидан мониторинг ўтказилди. Унинг натижалари, ЎЗА хабарига қўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида бўлиб ўтган давра суҳбатда атрофлича таҳлил этилди.

Институт директори Ш.Файзиев бошқарган тадбирда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоиз, 2010 йилнинг биринчи чорагида 13,4 фоиз ошди. 2009 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди. 2010 йилнинг биринчи чорагида ташкил қилинган 215,4 мингта янги иш ўринининг қарийб 70 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келди.

Айни пайтда таҳлиллар қонунчиликдаги хизмат кўрсатиш ва сервис билан боғлиқ қоидаларни халқаро стандартларга янада мослаштириш, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарурити мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, хизматга оид ахборотларни тақдим этиш, ҳақ тўлаш тартиби, хизмат кўрсатиш муддати ва сифатига оид меъёрларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Савдо-саноат палатасининг маъсул ходимлари иштирок этган давра суҳбатда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш каби масалалар бўйича тақлифлар билдирилди.

кларнинг жами активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобидаги маблағларга нисбатан икки баравар кўп бўлиб, бу ушбу маблағлар тўла ҳимояланиши ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди. Ташқи тўловлар бўйича банк тизимининг ҳозирги жорий ликвидлик даражаси банкларнинг жорий мажбуриятларидан 10 ма-

банкларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, банк тизимига хорижий капитални жалб қилиш, мамлакатимиз банкларининг халқаро капитал бозорларига чиқишини таъминлади. Банклар ассоциацияси бош директори ўринбосари А.Маликов, Марказий банкнинг методология департаменти директори ўринбосари У.Азизов, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Тошматов, «Асака» банки бошқаруви раиси ўринбосари Д.Иброҳимов ва анжуманнинг бошқа иштирокчилари иқтисодиётимизнинг янада ривожланишида бу каби ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Анжуманда иқтисодиёт реал сектори қороналарининг инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда банкларнинг ўрни, инкироздан кейинги даврда мамлакат банкларининг эришган ютуқлари ва устувор вазифалари, Ўзбекистон Республикаси газначилик тизимининг ривожланиш истиқболлари ва бошқа мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

В.РУДАКОВА,
ЎЗА мухбири

БАНК ТИЗИМИ ВА ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ

ўтиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси кўплаб хорижий мамлакатлар экспертларида катта қизиқиш уйғотганини, бу тажрибани ўз амалиётларида синаш бора-бора таҳлиллар олиб борилган инкирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қабул қилиниши мамлакатимиз молия-иқтисодиёт, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ва узулксиз фаолият юритишини таъминлади. Банк капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Бан-

миятимиз фаровонлиги йўлида самарали фойдаланиб, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон бозорида янги марраларни забт этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чуқур ўйланган инкирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қабул қилиниши мамлакатимиз молия-иқтисодиёт, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ва узулксиз фаолият юритишини таъминлади. Банк капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Бан-

ротаба кўп. Мамлакат иқтисодиётининг инвестициялар жиҳатидан янгиланишида ҳам банкларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Кредит портфелининг таркиби молиялаштиришнинг ички манбалари улуши ортиши ҳисобига тубдан ўзгармоқда. Банкларнинг оқори даражада капиталлашувини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар уларга иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш имконини берди. Бу, ўз навбатида,

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида руҳшунос Нигора Муҳамедованинг «Сабр саҳроси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Солиқ академиясида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг олдини олиш борасида мамлакатимизда олиб борилган таълим ва ҳаракатлар ҳақида сўз борди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи битирувчилари томонидан инглиз тили тақдимоти ўтказилди.

✓ **ХАЛҚ** таълими бош бошқармаси ташхис маркази ташаббуси билан мактаб ўқувчиларига таълим беришнинг интерфаол, замонавий усулларидан фойдаланишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЖАҲОНДА

• Кеча Ямайка пойтахти Кингстонда гиёванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар гуруҳи бир нечта полиция участкасига ҳужум уюштирди ва ҳуқуқ-тартибот посбонлари билан қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан шаҳарда фавуқлодда ҳолат эълон қилинди.

• Исландия музикаларидаги Европа мамлакатлари ҳаво қатновларига катта зарар етказган вулконнинг кучи аста-секин сўниб бормоқда. Ҳозир ундан магма ва кул ўрнига фақат тутун чиқмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича вулкондан отилган кул боис, бекор қилинган минглаб рейслар эвазига Европа авиакомпаниялари 1,5 миллиард доллардан ортиқ зарар кўришган.

• Кубада ичимлик суви танқислиги юзага келди. Бундай ноҳушликдан мамлакатнинг 500 мингдан зиёд аҳолиси азият чекмоқда. Айниқса, мамлакат пойтахти Гаванада аҳвол оғир. Ҳозирда бу ерга ичимлик суви юк машиналарида ташиб келтирилмоқда. Сувсизликка асосан ёмғирлар мавсуми бошланганига қарамасдан ёғингарчиликдан дарак йўқлиги сабаб бўлмоқда. Маҳаллий фермерлар чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлишидан хавфсизлашмоқда.

• Кеча Францияда олтмиш учинчи бор ўтказилган машҳур Канн халқаро кинофестивали якунланди. Киноанжуманнинг бош мукофоти — «Олтин пальма япроги» ҳакамлар ҳайъати томонидан 19 та фильм орасидан энг кучли деб топилган таиландлик режиссёрнинг асарига насиб этди. Франциялик Ж.Бишош эса «Энг яхши актриса» номиначис бўйича ғолиб чиқди.

• Кеча футбол бўйича ўтказилган чемпионлар лигасининг финал баҳсида Италиянинг «Интер» жамоаси Мюнхеннинг «Бавария» командасини 2:0 ҳисобида енгиб, Европа клублари ўртасидаги 2010 йилдаги энг нуфузли совринни қўлга киритди.

Маҳалла

КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Учтепа туманидаги «Хондамир» маҳалласида катта-кичикнинг кўнглига мос ва хос келган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Кексаларга иззат-икром кўрсатилиб, ёшлар меҳнатига яраша рағбатлантирилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман ҳокимлиги, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари, маҳалла отахону онахонлари, фаоллар ва ёшлар иштирок этди.



Маҳалла ёшлари ҳудудда очилган кичик қандолатчилик ҳамда дафтар ишлаб чиқариш корхоналарида банд бўлмоқда. Қизларимизни ҳаётга тайёрлаш учун турли танловлар ўтказиб келинади. Албатта, ёшларимизнинг энг фаоллари алоҳида эътиборга ва рағбатга сазовор бўлмоқда.

Хар бир тадбирда каби бу сафар ҳам пиру бадавлат отахону онахонлар эъзозда бўлиши. Маҳалла ташаббуси билан ўтказилган «Мен, ота-онам — спортчидир оилам», яккакураш ва каратэ бўйи-

ча маҳаллалараро мусобақалар, пазандалик бўйича танлов голиб ва совриндорлари совғалар ва фахрий ёриқлар билан тақдирланди.

Тадбирда бадий ҳаваскорлик жамоалари ижросида дилрабо куй-қўшиқлар янграб, барчага хуш кайфият бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Хондамир» маҳалласида ўтказилган тадбирдан лавҳалар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, кейинги йилларда дунёда қандли диабет хасталиги кўпайгани кузатилаётир.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бу касаллик меҳнатга лаёқатнинг пайсиши, ногирон бўлиб қолиш, ҳатто ҳаётдан кўз юмишга сабаб бўлади. Замонавий тиббиёт олдида турган бундай долзарб муаммолар эндокринология соҳасида кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини кенгайтириш, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Пойтахтимизда, иш бошлаган, эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманида ана шулар алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Эндокринологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилев, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов ва бошқалар инсон саломатлигини ҳимоялаш, халқимиз соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун зарур шароитни яратиш, тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этишини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармонида белгиланган вазифалар тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори эндокринология хизмати кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар тармоғи кенгаймоқда. Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ана шундай шифо масканларидан бири. Бу ерда йилга қарийб уч юз нафар беморга стационар, ўн мингга яқин беморга консултиватив тиббий ёрдам кўрсатилади. Марказ ҳузурда ташкил этилган махсус мактабларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олишга оид машғулотлар уюштирилмоқда.

Марказда олимлар, шифокорлар ва мутахассислар ҳамкорлигида илмий излашлар ва даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хориждаги нуфузли клиникалар билан йўлга қўйилган яқин алоқалар натижасида нейрорендокринологиянинг долзарб масаласи — гипотез беши аденомасини жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари ўзлаштирилди.

Икки кун давом этадиган анжуманда қандли диабетни даволашга доир янги ҳақиқатлар, йод танқислиги касалликларининг тарқалиш динамикаси ва олдини олишга оид устувор вазифалар, нейрорендокринология ва репродуктив саломатлик, болалар эндокринологияси каби мавзуларда маърузалар тингланади.

(ЎЗА)

Танловлар

СОҒЛОМ ОИЛА — ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ



Тадбирда коллежнинг биринчи ва иккинчи босқич ўқувчилари «Оилам соғлом бўлсин», «Оила кодексини биласизми?», «Оила муаммолари», «Фикри давом этиринг» каби шартлар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз билим-маҳоратини кўрсатди. Шартларни бажариш давомида ёшлар жамиятининг асосий негизи ҳисоблангани оиланинг ҳаётимиздаги ўрни, Оила кодексининг мазмун-моҳияти, соғлом оилани шакллантириш борасида

кенг тушунчага эга эканлиги намойён бўлди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, «Ҳумо» гуруҳи голиб деб топилди.

Кўрик-танловнинг голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

И. ДИЛШОДОВ СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа. Қозим Ўлмасов олган сурат

Бунинг натижаси ўлароқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошиб бормоқда. Чунончи, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йил учун баъорат 52,5 фоизга белгиланмоқда. Айниқса ишлаб чиқариш ҳамда турли хизмат кўрсатиш йўналишида кичик бизнес субъектларининг иштироки кенгайишига эришилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ўтган йилда 940 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган бўлса, бунда кичик бизнеснинг улуши 390 мингдан

Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунлари ҳамда жорий йил устувор вазифаларига бағишланган мажлисда таъкидлаб ўтганидек, бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ри-

вожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бекзод АМАНОВ, Тошкент Молия институти магистранти

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бораётир. Мазкур жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар айниқса нодавлат секторини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда изчилликнинг таъминланишида шу соҳа субъектларига бир қанча имтиёзлар берилётгани муҳим ўрин тутаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

зиёдни, шу жумладан хизмат кўрсатиш йўналишида 270 мингдан ортиқни ташкил этди. Демак, бу соҳадаги ютуқлар мамлакатимиз иқтисодий масалалари ечимида ҳам ўз ақсини топтоқда.

вожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бекзод АМАНОВ, Тошкент Молия институти магистранти

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, иқтидорини намойён қилиши учун зарур шарт-шароит яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси имконияти чекланган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига қўмақлашиш, уларни муносиб рағбатлантириш, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар қилиб тарбиялаш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг самарасида кўплаб ёшларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда.

Японияда 2009 йилда ўтказилган Параолимпия ўйинларида ҳамюртларимиз бешта олтин, учтадан кумуш ва бронза медалга, АКШда кўзи оғирлар ўртасида ўтказилган бунунжаҳон ёшлар ва талабалар ўйинларида паралимпиячиларимиз биттадан олтин, кумуш ва тўртта бронза медалга сазовор бўлди. 2009 йил сентябрь ойида Россияда футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган

МДХ кубоги мусобақасида терма жамоамиз аъзолари биринчи ўринни эгаллади. Яқинда Қувайтда энгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро мусобақадда вакилларимиз 2 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси ва Республика шахмат федерацияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ёшларнинг бунун вақтини мазмунли ўтказиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида шахмат бўйича мастер-класс машғулоти ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги ногирон, заиф эшитувчи ва кўзи оғир болалар махсус мактаб-интернатларидан ўттиз нафарга яқин ўқувчи қатнашди. Таниқли шахматчилар олиб борган қизиқарли машғулотлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Байрам АЙТМУРОВО

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Юнусобод машинасозлик касб-хунар коллежи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Таълим тараққиёти ва баркамол авлод тарбияси» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ

Семинарда ёш авлод тарбиясида таълим тизимининг такомиллашуви аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди. Таъкидлаб ўтилганидек, фарзандларимизни мустақил ва теран фикрлайдиган комил инсон бўлиб воқия етишида соҳа ходимларидан каттаю кичик — барча томонидан устоз деб тан олинган ўқитувчи-мураббийлардан нафақат масъулия, балки авваламбор фидойилик талаб этилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши академияси, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ширин ХОЛМАТОВА

Фармон ва ижро

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ юртимиздаги маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилгани хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни баҳамжihat ўтказиш, яхши ва ёмон кунда елкадош бўлиб яшаш каби миллий анъаналаримиз аввало маҳалла муҳитида шаклланади.

Маҳалла ҳудудида бир қатор мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва касб-хунар коллежлари жойлашган. Тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида аҳоли ва ёшлар орасида диний экстремизм, терроризм, одам савдоси ва турли маънавий таҳдидларга қарши курашишга бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг соғлом авлодни шакллантиришга доир фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида аҳоли ўртасида «Соғлом оила асослари», «Баркамол авлодни тарбиялаш», «Никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда семинар, учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам уюштирилмоқда. Сўнгги икки йил мобайнида маҳаллада ёш оилалар ўртасидаги ажралиш сингари ҳолатлар кузатилмади.

Маҳаллада Нигора Мўминова, Гулзода Раҳимова, Жамила Ганиева сингари чевар аёллар уйда тикув чеҳи очиб, қасаначиликни йўлга қўйган. Бу ерда йигирма нафарга яқин хотин-қиз иш билан машғул. Нақшо Алишер Ҳасанов устaxonасидаги «Уста-шогирд мактаби»да эса ўндан зиёд ёшлар ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, нақшолик сингари хунар сирларидан сабоқ олмоқда.

Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлиги янада ошиб, маҳалланинг файзи-файз қўшишга хизмат қилмоқда.

Гўзал САТТОВА

АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ресурс марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга бағишланди. Унда дипломатик корпус вакиллари, соҳа мутахассислари ахборот технологиялари борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тадбирни Миллий кутубхона директори А.Умаров ва Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доимий вакили ўринбосари Киоко Постилл очиб берди.

Очилиш маросимида техника фанлари доктори Марат Раҳматуллаев кутубхонанинг хорижий ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлиги ривожига тўғрисида батафсил маълумот берди. Тадбир меҳмонлари кенг оммага тақдим этилаётган марказ хизматлари ва фаолияти билан таништириб ўтилди.

Таъкидланганидек, марказни ташкил этишдан асосий мақсад интернет тармоғига тўғридан-тўғри ула-ниш, ахборот технологияларни мукамал эгаллаш йўлида қулайликлар яратишдан иборат.

Айтиш жоизки, 2006 йилдан бошлаб Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бу сингари ҳудудий марказлар фаолият юритиб келмоқда.

Сабҳот КАЛОНОВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассиси

ШИОРИМИЗ — ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳомийлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камалак» болалар ташкилотининг бу йилги анжумани Баркамол авлод йилига бағишланди.

Маълумки, «Камалак» болалар ташкилотининг тузилмалари асосан мактабларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти етакчилар ва сардорлар фаолигида амалга ошириб келинади. Ҳар йили ўтказиладиган анжуманда айнан етакчи ва сардорлар фаолиятга баҳо берилиб, энг фаоллари «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

Тадбирда ҳар бир тумандан «Камалак» сардорлари ва етакчилар кенгаши аъзолари, «Камолот» фаоллари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Нодира ФАЙЗИЕВА

МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Азал-азалдан халқимизда меҳрга ташна инсонларга кўмак бериш, улар холидан хабар олиш урф бўлган. Истиқлол шарофати туфайли мана шундай эзгуликка йўрилган қадриятларимиз тикланиб, кенг тус олиб бормоқда. Айниқса ёрдамга муҳтожларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, меҳнатга жалб этилиши, касб-ҳунар ўрганиши йўлида саъй-ҳаракатлар кўлами кенгайиб бораётир.



Бир неча йиллардан бери мамлакатимизда имконияти чекланган иқтидорли болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар олами» расмлар кўрик-танлови фикримизга ёрқин мисолдир. Кўриқ «Оймома» маданияти ва истироҳат боғида 7-14 ёшли болалар ва ўсмирлар иштирокида мазкур танловнинг Собир Рахимов туман босқичи бўлиб ўтди. Ҳокимлик, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ, Ногиронлар жамияти бўлимлари, «Муҳтабар-Азиз» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликларида ташкил-

лаштирилган ушбу тадбирда 25 нафар болажон қатнашди. Дарвоқе, уларнинг расм чизиши учун боғ маъмурияти томонидан яратилган шарт-шароитлар, танловнинг айнан табиат кўйида ўтказилиши тадбир иштирокчилари кайфиятини кўтариб юборди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Маҳсума Тошпўлатова етакчилигидаги ҳакамлар ҳайъати болажонлар томонидан чизилган расмларни холилик билан баҳолашди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, табиат манзаралари, она Ватан тимсоллари акс этган расмлар йи-

гилганларда илиқ таассурот қолдирди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра биринчи ўринга 102-маҳсус мактаб тарбияланувчиси Шерзод Юнусов лойиқ деб топилди. 100-маҳсус мактаб тарбияланувчиси Умид Аҳмедовга иккинчи, «Кўштут» маҳалласида яшовчи Нилуфар Абдуҳамидовага учинчи ўрин насиб этди. Ҳакамлар «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловининг шаҳар босқичига йўлан-

мани ҳам қўлга киритди. Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг соғалари тўхфа этилди. Шу кунги боғ маъмурияти ташаббуси билан кўнгилочар ўйинлар ва аттракционлар болажонларга бепул хизмат қилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ, Инобат КОМИЛОВА. СУРАТДА: тадбирдан лавҳа Темур Зиядинов олган сурат

РЕКЛАМАНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ

Маълумки, бозор иқтисодиёти, эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида маҳсулотлар ва хизматлар рекламаси алоҳида ўрин тутди. Рекламанинг кенг ривожланганлиги ҳам мамлакат иқтисодий ривожига, аҳоли турмуш маданиятини белгиловчи муҳим белгилардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти билан бирга рекламага бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам ошиб бормоқда.

Хозирги вақтда телевидение ва радио, босма нашрларнинг кундалик чиқишида ранг-баранг реклама салмоқли ўрин эгаллаган. Теледиоканалларда (бадий фильмлар, ахборот кўрсатувлари орасида бериладиганларидан ташқари) рекламага бағишланган махсус кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам эфирга чиқарилаётган бўлса, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ва кўнгилочар газета-журналлардан ташқари, махсус реклама босма нашрларнинг ҳам тобора ортиб бормоқда. Жамият ҳаётида рекламанинг ўзига хос ўрни ва катта аҳамияти борлигини рекламанинг бугунги кундаги ҳолати аққол кўрсатиб турибди. Ишлаб чиқарувчилар учун харидорларни кенг ва тезкор хабардор қилиш қанчаллик муҳим бўлса, истеъмолчилар ўзи истаган маҳсулот ва хизмат турларини топишида ҳам рекламанинг аҳамияти шунчаллик катта. Шу жиҳатдан реклама ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг, шунингдек истеъмолчиларнинг мушкуллари осон қиладиган, ўз навбатида, уларни ўзаро боғлаб турадиган муҳим восита дейиш мумкин. Шундай экан, рекламада бериладиган ахборотларнинг ҳаққоний ва тўғриликдан бутун жамият манфаатдордир. Чунки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот истеъмолчини ранжитибгина қолмай, истеъмол товарлари ва хизматлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам 1998 йилда соҳадаги муносабатларни тартибга солувичи Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари реклама бозорининг ривожланиши, хусусан, шу соҳага ихтисослашган омавий ахборот воситаларини кенг тармоғининг юзага келиши, давлат ва нодавлат, хусусий те-

леридиоканаллар, босма нашрларда реклама ва эълонларга бағишланган махсус саҳифа, реклама туркумлари, бурчакларнинг ташкил этилишига туртки бўлди. Бугунги кунда реклама материаллари босилмаган биронта ҳам нашрни учратиш қийин. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳаққоний ахборотлардан иборат реклама маҳсулотларига бўлган талабнинг жадал ўсиб бораётганини назарда тутиб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида реклама соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда реклама бозорининг жадал ривожланиши билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор берилди. Реклама беришдаги қонун бузилишлари ҳолатлари чуқур таҳлил этилиб, «Реклама тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келганлиги таъкидланди. Янги қонун лойиҳасининг асосий мазмуни тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламасини тақиқлаши, шубҳасиз, долзарб муаммолар ечимига асос бўлиб, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида илгари сурилган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш манфаатларига ҳам хизмат қилади. Дарҳақиқат, реклама ҳаётида алоҳида ўринга эга. Айнан шу нуқтаи назардан бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ҳамда рекламанинг жамият манфаатларига тўла ва сўзсиз хизмат қилишига эришиш муҳим вазифадир. **Нозима ХОЛИҚОВА**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказида Халқаро биологик хилма-хиллик кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

БИОХИЛМА-ХИЛЛИК — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан табиатни асраб-авайлаш, табиий ва биологик захиралардан тежаб-тергаб фойдаланиш, экологик мувозанатни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётир. Дунёда биохилма-хилликни асраш, табиатнинг бетакрор ҳудудларини асл ҳолига сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида ишлаб чиқилган ва бир ўз эллиқдан зиёд давлат томонидан тасдиқланган БМТнинг биохилма-хилликни асрашга оид конвенциясига мамлакатимиз 1995 йилда аъзо бўлган. Мазкур йўналишда белгиланган вазифаларнинг ижроси жараёнида сезиларли натижаларга эришилди. Юртимиздаги

табиий кўриқоналар, миллий боғлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда камёб ҳайвон ва ўсимлик турларини парвариш-лаш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Анжуманда қайд этилганидек, атроф-муҳитни муҳофаза-лаш, табиий ресурсларни тежаш, биологик захиралардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда улғайиб келаётган авлоднинг фаоллигини янада ошириш, ёшларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти маркази билан ҳамкорликда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида бу бо-

рада белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган «Биохилма-хиллик болалар нигоҳида» болалар ижодиёти танловини эълон қилган эди. Танловга, ўз ахборот беришича, уч юздан зиёд ижодий иш тўшди. Бадиий ижод йўналиши бўйича танловда фаол иштирок этган ёшлар «Жайрон изидан» болалар экологик экспедициясида қатнашиш имконига эга бўлди. Тасвирий санъат йўналишида мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган расмлар «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказида ташкил этилган кўргазмада намойиш этилмоқда. Тадбирда болалар ижодий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди. **Б.ХИДИРОВА**

Таълим

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ

Тошкент кимё-технология институтида Баркамол авлод йилига бағишлаб «Таълим-тарбия жараёнида мураббийларнинг ўрни» мавзусида республика илмий-назарий ва амалий конференция ўтказилди.

Хозирги глобаллашув даврида модернизация, технологик ривожланиш, илм-фан тараққиётининг замонавий долзарб муаммолари ҳам вужудга келмоқда. Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик ва иқтисодий масалалар шулар жумласидандир.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, Республика «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясига оид масалалар ҳақидаги маърузалари билан қатнашди. Конференция бир неча шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилди. Талаба-ёшларнинг етук мутахассис қилиб тарбиялашда миллий истиқлол ғояси ва қадриятларимизнинг ўрни ва роли, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти каби мавзулар шўъбалар доирасида муҳокама қилинди.

Ёш авлоднинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, илмий-ижодий салоҳияти бўлиши давр талабидир, — дейди Тошкент кимё-технология институти бўлим бошлиғи Зарифа Рашидова. — Бу борада ота-она ва устоз-мураббийларнинг зиммасида катта масъулият ётади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида бу масалалар алоҳида ўрин олган. Конференцияни ўтказишдан мақсад — мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш баробарида, илм ва амалиётни уйғунлаштириш бобида кейинги йилларда қилинган ишлар таҳлил этилиб, ёшларимизнинг имкониятларини, салоҳиятини тўғри йўналтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз касбининг малакали вакили бўлиб етишида ўқитувчи-мураббийларнинг ролини оширишдир.

Конференцияда республикамизда фаолият юритаётган кўплаб олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг устоз-мураббийлари иштирок этди.

Фикр-мулоҳаза ва мунозараларга бой тарзда ўтган анжуманда кўплаб ўринли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Гулором ХАМИДОВА

ТИЗИМ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида анжуман бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, республикамизда Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида барча таълим муассасаларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Олис ва чекка ҳудудларда ҳам янги мактаблар қурилиб, мавжудлари таъмирланди. Шунингдек, тизимга янги илғор-педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда.

Таълимга эътибор — келажакка эътибордир. Шу боис мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва қайд этилган дастурнинг қабул қилиниши таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш имконини берди. Таъкидлаш керакки, 2004-2009 йилларда мамлакатимизда 8501 та мактабда қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 351 та мактаб янгидан барпо этилди. 2470 та мактабда капитал реконструкция, 3608 та таълим муассасасида капитал, 2072 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди, замонавий ўқув лаборатория устуналари, компьютерлар, дарсликлар, ўқув-услубий материаллари билан таъминлаш масаласи ҳам назардан четда қолмади.

Айтиш жоизки, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш масаласи босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, умумтаълим фанлари бўйича мавжуд давлат таълим стандартлари янгидан таҳрир қилиниб, ўқув дастурлари модернизация қилинди.

Анжуманда мактабларни кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам фикр алмашишди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратида юқори малакали ахборот коммуникация технологиялари йўналиши бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш юзасидан танлов эълон қилади.

Мутахассисларга келишув асосида штат жадвалига асосан 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун (мутахассислигига қараб) қўйиладиган талаблар:

— олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

— ўзбек ва рус тилларини билиши керак.

Танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй. (Бошпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51, 233-57-47.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборонасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Тойота Камри» русумли, д/р М 1100 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.11.2009й, №20737). Бошланғич баҳоси — 20 105 060 сўм. 2. «Тойота Камри» русумли, д/р 30S3313 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.05.2010й, №280). Бошланғич баҳоси — 20 105 058 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 29 июнь кун соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 29 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 июль кун бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2010 йил 15 июнь кун соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир т, Х.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази ашёларни сақлаш омборида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 1101196 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошланғич баҳоси — 678 281,04 сўм. 2. «ВАЗ-2101» русумли, д/р 01Н492АА бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.06.2009й, №1-302). Бошланғич баҳоси — 1 865 175,66 сўм. 3. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 30D1949 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошланғич баҳоси — 763 065,36 сўм. 4. «ГАЗ-2410» русумли, д/р 30P7328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошланғич баҳоси — 763 065,36 сўм. 5. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 11R1033 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошланғич баҳоси — 678 281,04 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бу йил иккинчи бор «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди.

«Очиқ эшиклар куни»да академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштироки эътиборга олинди. Ёшлар халқаро мақомдаги очилган ўқув юртига қабул шартлари, бу ерда яратилган шартлар, талабалар ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

2002 йилдан буён мамлакатимизда фаолият юритаётган Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бакалавр йўналишида бизнес бошқаруви, иқтисодиёт ва молия, ҳуқуқ ва бизнесда ахборот тизимлари, магистратурада халқаро бизнес ва менежмент бўйича мутахассислар тай-

ёрланади. Ҳуқуқчилар учун ихтисослашган Буюк Британиянинг Олий таълим академияси томонидан тас-

минлаш масаласида кўпгина компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Олий ўқув юртларида

УНИВЕРСИТЕТДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

дикланган Таълим бериш ва тил ўрганиш бўйича махсус курс ҳам ташкил этилган. Университет қошидаги Касбга йўналтириш маркази ҳам битирувчиларни иш билан таъ-

— Жорий йил апрель ойида университет филиалида британиялик экспертлар томонидан ўтказилган мониторинг натижалари юқори баҳоланди, — дейди маркетинг бўлими

бош мутахассиси Дилбар Қосимова. — Комиссия аъзоларининг фикрига кўра, университетдаги ўқув жараёнлари, умуман барча шарт-шароитлар халқаро таълим тизимининг академик талабларига тўла жавоб беради. Аҳамиятлиси, бу йил академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун янги ўқув дастури ишлаб чиқилди. Эндиликда кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар ўз таълим даргоҳида ўқишни давом эттириши баробарида университетнинг биринчи босқичида сиртдан тахсил олишлари мумкин.

Тадбир давомида ёшлар барча қизиқтирган саволларига бевосита университет ўқитувчилари ва талабаларидан тўлиқ жавоб олишга муваффақ бўлди.

Дилором ИКРОМОВА



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Тоғни урсанг талқон қиларсан,
Қачон меҳринг қалқон қиларсан?

Мен сўз билан ҳикорга чикдим,
Оламда йўқ бир ёрга чикдим.

Кўнгил кўзи кўр бўлмаса бас,
Узган меванг гўр бўлмаса бас.

Тикан билан тиллашмоқ қийин,
Тош билан ҳам гуллашмоқ қийин.

Офтобнинг овози сочган нурида,
Шу сабаб ўлтирар осмон тўрида.

Шоҳона кийиниб шоҳ бўлмайсан,
Тунда жилва қилиб моҳ бўлмайсан.

Соатни орқага суриб бўлмайди,
Қалб агар кулф бўлса кириб бўлмайди.

Тўкилган ушоқни териб олибсан,
Барака баридан сириб олибсан.

Умиддан узилган одам
Мункиб қолар йигит бўлса ҳам.

Сен ойнанинг ортидан оввора юрма,
Кўлинг етмас жойда бечора юрма.

Нафсинг сендан ҳар
кун шароб сўрайди,
Умрингни уволи ҳисоб сўрайди.

Дил дилга кўприк ташлаши осон,
Дил дилни зумда гашлаши мумкин.

Нечун сал нарасага хуноб бўласан,
Сен ўз юрагингни тунаб бўласан.

Севги аввал сел қилар сени,
Кейин аста сил қилар сени.

Тулқига қочиб қутулмоқ осон,
Товуққа шубҳасиз тутилмоқ осон.

Шоҳни мот қилмоқлик
отнинг ишимас,
Элни эл қилмоқлик
ётнинг ишимас.

Тиканни тилингни киргани ёмон,
Энди сен дилингни асрагин омон.

Кўзинг сузилмасин,
қошинг учмасин,
Косангдаги сувни шайтон ичмасин.

Гар кўзинг очикдир,
аввал нур кўргин,
Тилингни тишласанг ҳам дилингни
хур кўргин.

(Давоми бор)

«ABDULLOZODA» масъулияти чекланган жамияти ўзининг устав жамғармасини 303 609 126 (уч юз уч миллион олти юз тўққиз миң бир юз йигирма олти) сўмдан 192 339 924 (бир юз тўқсон икки миллион уч юз ўттиз тўққиз миң тўққиз юз йигирма тўрт) сўмга камайтиришини эълон қилади.
Даво аризалари 1 ой муддат ичиде қабул қилинади.

Тошкент Кимё-технология институти томонидан 2006 йилда Мирзаева Дилобар Абдуқаҳоровна номига берилган 01084 tn руйхат рақамли, В 239542 рақамли иловаси билан бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт янгиликлари

Шахмат федерациясининг шаҳар бўлими ташаббуси билан фахрийлар ўртасида пойтахт чемпионати ўтказилди.

«Ақл гимнастикаси» спорт тури ҳисобланмиш шахмат бўйича ушбу мусобақа анъанавий тарзда ҳар йили 60 ёшдан ошган эркеклар ва 55 ёшдан ошган аёллар ўртасида швейцарча усулда тўққиз турдан иборат ҳолда ўтказиб келинади.

— Кейинги уч йилда спортнинг бу турини янада ривожлантириш, айниқса ёшлар ва ўсмирлар ўртасида тарғиб этиш бўйича кўп ишлар қилинди, — дейди шахмат федерацияси шаҳар бўлими ижрочи директори Матлуба Афолайян. — Мусобақалар натижалари иштирокчиларнинг спорт унвонларига эга бўлиши, мамлакатимиз номини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилаётганида намоён бўлмоқда. Ўтган йили биринчи марта ташкил этилган «Тошкент шаҳар ҳокими кубоги

учун» халқаро турнирда Қозоғистон ва Тожикистон вакиллари ҳам иштирок этиб, мазкур мусобақа жаҳон андозаси даражасида ўтказилгани

Шахмат

ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШДИ

эътироф этилди.

Ёш авлодни соғлом, зехни ўткир этиб тарбиялашга қаратилган турли мусобақалар федерация томонидан шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ бўлимлари билан яқин ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.



Сафин, аёллар ўртасида — Доно Курбонова, Лидия Захарова ва Энни Циганкова сазовор бўлишди.

Эслаб ўтаман, таъриба алмашиш, дўстона учрашувларни тарғиб этиш мақсадида уюштирилган мазкур мусобақа голиблари республика ҳамда халқаро фахрийлар биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Шахризода МУҲСИМОВА
СУРАТДА: мусобақалардан лавҳа. Козим Улмасов олган сурат.

Ушбу биринчилик баҳсларида 9 та жамоа иштирок этмоқда. Ҳар йилгидек, мутахассислару мухлислар фикрига кўра, чемпионатда бош совринга Қашқадарёнинг «Севинч» ва Андижоннинг «Андижанка» жамоалари даъвогарлик қилиши таҳмин қилинмоқда. Пойтахтимиз шарафини «Кўшбеги» жамоаси футболчи қизлари ҳимоя қилади.

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги спорт майдонида аёллар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати старт олди.

Энди эътиборингизга дастлабки тур натижаларини ҳавола қиламиз: «Ёшлик» — «Олимпия» — 0:3, «Чирчиқ» — «Андижанка» — 0:5, «Севинч» — «Кўш-

беги» — 21:0, «Севинч» — «Чирчиқ» — 8:0, «Шердор» — «Андижанка» — 0:4, «Олимпия» — «Тўмарис» — 11:0, «Жиззах» — «Ёшлик» — 1:8.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги «Nazmi Bari Cup» халқаро теннис турнирида ҳамюртимиз Нигина Абдураимова бош совринга асосий даъвогар сифатида эътироф этилмоқда. Спортчимиз дастлабки икки учрашувда россиялик Ирина Лидковскаяни 6:4, 6:3 ва грузиялик Тамари Цхакаяни 6:0, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Чорак финалга чиқиш учун ўтказилган беллашувда исроиллик Шани Блехердан 6:1, 6:2 ҳисобида устун келган Нигина энди украинлик Валерия Страхова билан рақобатлашади.

Жуфтлик баҳсларида ўзбекистонлик Антон Жамолов бельгиялик Йозеф Ван Доорен билан бирга чорак финалга чиқди. Беллашувларга иккинчи босқичдан қўшилган мазкур жуфтлик Португалия вакиллари — Энрике Кошта ва Рикардо Йоргени 7:6, 6:4 ҳисобида мағлуб этди. Хиндистондаги ўсмирлар мусобақасининг жуфтлик беллашувларида ҳамюртимиз Артём Тарасов ва россиялик Владимир Поляков дуэти дастлабки учрашувда мезбон теннисчилар — Ронит Сингх Бишт ва Саикарт Накиреддини 4:6, 6:4, 10:7 ҳисобида енгди.

А.Тарасов ва В.Поляков кейинги учрашувларда хиндистонлик Мансинг Атаре ва Сидхарт Раматдан 7:6, 6:1, япониялик Казума Кавачи ва Юки Мурамацудан 7:5, 7:5 ҳисобида устун келди. Энди бу жуфтлик бош соврин учун ўтказиладиган ҳал қилувчи финал беллашувда Хитой Тайпейи вакиллари — Лянг Чи Хуанг ва Чун Ю Линга қарши кўртак чиқади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Кураш Федерацияси шаҳар бўлими ва Собир Раҳимов тумани хокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимиздан 130 га яқин ёш полвон иштирок этди.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт оммавийлигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва уларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида кўплаб мусобақалар уюштирилмоқда. Навбатдаги тадбир ҳам ёш авлодни спортга жалб этиш, дунё ареналарида юртимиз байроғини юқори кўтарадиган ўғлонларни тарбиялашга қаратилди.

— Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ёшларга қаратилаётган эътиборнинг юксаклигидан далолат беради, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Болалар спортини ривож-

Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон» болалар спорт мажмуасида кураш бўйича Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали соврини учун очик биринчилик ўтказилди.

КУРАШ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

лантириш жамғармаси Собир Раҳимов тумани мутахассиси Рустам Камолов. — Мақсадимиз мана шу ёш курашчилар орасидан энг кучлиларини танлаб олиш, ўзбек курашида жаҳонга кенг ёйилишида ўз ҳиссамизни қўйиш.

Қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлган мусобақада спортчилар 12 вазн тоифасида бор маҳоратини намоён этди. 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги беллашувда 27, 33, 36, 40 килограмм ва мутлақ вазн тоифаларида Фаррух Қосимов, Эрناзар Хуррамов, Шохруҳ Мингешев, Руфат Худаков ва Муҳаммадали Норовлар шохсупанинг юқори погонаси-

ни эгаллади.

1997-98 йилларда туғилган болалар баҳсида 42, 44, 50, 52 килограмм ва мутлақ вазн тоифаларида Сухроб Ўктамов, Козим Камолов, Шохруҳ Пиримқулов, Ойбек Маҳмудов ва Бехруз Музаффаровлар тенгсизлигини намоён этди.

1995-96 йилларда туғилган ўқувчилар курашида 55 килограммда Бобур Рўзиев, мутлақ вазнда эса Сарвар Шомуродовга тенг келадигани топилмади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, самарқандлик ёшлар иккинчи ва қашқадарёликлар учинчи ўринни қўлга киритишди.

Акбар ЖИЯНОВ



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65, факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан руйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
5886 нуска босилди.
Қоғоз ёниги А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида териштирилади».

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5